# MAVZU:

# ТРЕНИНГГА КИРИШ

# ASOSIY SAVOLLAR:

1.“Тренинг” тушунчасининг маъноси.

2. Тренингда риоя этиш зарур бўлган ҳулқ-атвор қоидалари.

3. “Олий ўқув юртида таълим технологияларини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва уни амалга ошириш” номли тренингнинг мақсади ва кутилажак натижаси.

4. Тренинг дастури ва «Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш» ўқув-услубий қўлланмаси.

5. Тренинг иштирокчилари портфолиоси тушунчасининг маъноси. Тренинг иштирокчилари портфолиосини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

# 1. “Тренинг” тушунчасининг маъноси

**ТРЕНИНГ**

бу қисқа муддатли таълим бўлиб, унинг дастурида назарий ўқитиш қисқартирилиб, асосий диққат иштирокчиларни касбий фаолиятининг самарасини оширишга мўлжалланган, тренинг дастурида қатъиян чегараланган аниқ амалий малака ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилгандир.







**Тренингда риоя этиш зарур бўлган ҳулқ-атвор қоидалари**



- машғулотга ўз вақтида келамиз
- биттадан фикр билдирамиз
- чалғитмасдан, диққат билан эшитамиз
- биринчи шахс номидан баён этамиз
- уяли телефонлардан фақат танаффуз пайтидагина фойдаланамиз
- янги тажрибага нисбатан очиқлик кўнгиллилик намоён этамиз: аввал қабул қиламиз, тушунамиз, қўллаймиз, шундан сўнггина баҳолаймиз
- фаол иштирок этамиз: кузатмаймиз, балки жараёнга шўнғиймиз

# *Гурухларда ишлаш қоидаси*

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гурух ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гурухлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.



# Навбатчи гуруҳнинг мажбуриятлари:

- тренингнинг бошланишидан 10 минут олдин келиб ўқув машғулотга хонани тайёрлаш;
-танафус вақтида хона хавосини ўзгартиради;
-дарс оҳирида хона тозалигини таъминлайди.





# Тренинг мақсади:

таълимни технологиялаштиришнинг асослари билан таништириш

иштирокчиларда ўқув машғулотларида таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш кўникмаларини шакллантириш

кейс-технологиялари ва лойиҳавий таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашнинг дастлабки малакаларини шакллантириш





# *Тренинг натижаси:*

- таълимни технологиялаштиришнинг асосларини тушунтиради
- ўқув машғулотларида таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш кўникмаларини намоён қилади
- кейс-технологиялари ва лойиҳавий таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашнинг дастлабки кўникмаларини намоён қилади

**«Олий ўқув юртида замонавий таълим технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва уни амалга ошириш»** мавзуси бўйича ўтказиладиган тренинг машғулотининг

**Д А С Т У Р И**

## Биринчи кун

1. ОЧИЛИШ МАРОСИМИ. ТРЕНИНГГА КИРИШ

2. Таълимни технологиялаштиришга кириш

3. Мақсадни белгилаш. Уч даражали тестлар асосида ўқув натижасига эришиш даражасини баҳолаш

4. Таълим шакллари – таълим технологиясининг таркиби

**Иккинчи кун**

1. Таълим методлари – таълим технологиясининг таркиби
2. Таълим воситаси - таълим технологиясининг таркиби

**Учинчи кун**

1. Таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қоидалари
2. Лойиҳавий таълим технологиясига кириш
3. Ўқув лойиҳасини гурухларда бажариш

**Тўртинчи кун**

1. Таълимнинг кейс-технологиясига кириш
2. Гурухларда кейс ечимини топиш
3. Таълимнинг кейс-технологияларини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қоидалари

**Бешинчи кун**

1. Маърузада ва семинарда таълим технологияларини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қоидалари
2. Биринчи курс талабаларини мустақил ўқув фаолиятига тайёрлаш технологияси. “Олий ўқув юртида ўқишни ўрганамиз” биринчи курс мактаби
3. Битирувчиларни иш излаш ва ишга расмийлаштиришга тайёрлаш технологияси

## «Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш» ўқув-услубий қўлланма

- Таълимни технологиялаштиришга кириш
- Таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қоидалари
- Таълим усуллари – таълим технологиясининг таркиби
- Таълимни ташкил этиш шакллари - таълим технологиясининг таркиби
- Таълим воситалари - таълим технологиясининг таркиби
- Маърузада таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қоидалари
- Семинарда таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш қоидалари
- Лойиҳавий таълим технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш
- Кейс технологияларини лойиҳалаштириш ва режалаштириш

Тренинг иштирокчиси **портфолиоси (портфель)** – бу таълим олувчининг ўқув ва ижодий меҳнатини ўз-ўзи баҳолаш инструменти (воситаси)дир, ўз фаолиятининг рефлексиясидир.

Бу таълим олувчининг мустақил бажарган ишлари мажмуасидир.





1. Уч даражали тест топшириқлари

2.Мисоллар ишлаб чиқиш:

**Тренинг иштирокчисининг портфолиосига кириши шарт бўлган ишлар рўйхати**

- чизмали органайзерлар;
- ўқув топшириқлари;
- ўқув фани бўйича слайдлар

3. Муаллифлик лойиҳавий таълим технологияси

4. Муаллифлик кейс технологияси

5. Ўқув фани бўйича муаллифлик таълим технологияси лавхаси



# Тренинг иштирокчилари фаолияти натижаларини баҳолаш мезонлари

| № | Бахолаш мезонлари | Макс. балл |
|---|---|---|
| 1 | Ўқув машғулотидаги фаоллиги | 10 |
| 2 | Уч даражали тест топшириқларини ишлаб чиқиш | 10 |
| 3 | Мисоллар ишлаб чиқиш:<br>➢чизмали органайзерлар;<br>➢ўқув топшириқлари;<br>➢ўқув фани бўйича слайдлар | 10 |
| 4 | Муаллифлик лойиҳавий таълим технологиясини ишлаб чиқиш | 20 |
| 5 | Кейс-технологиясини ишлаб чиқиш | 20 |
| 6 | Ўқув фани бўйича муаллифлик таълим технологияси лавҳаси | 30 |
| | Жами: | 100 балл |



# ETIBORINGIZ UCHUN RAHMAT